

**СТЕФАН ЦВАЙГ НОВЕЛЛАЛАРИДА ИНСОН РУҲИЙ ОЛАМИНИНГ ТАЛҚИНИ
(“АЁЛ ҲАЁТИДАН ЙИГИРМА ТҶҮРТ СОАТ” НОВЕЛЛАСИ МИСОЛИДА)****Асомиддинова Гулбарно Алижонова**

Фарғона давлат университети гуманитар йўналишлар бўйича чет тиллари кафедраси
ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7165294>

Аннотация. Мақолада буюк Австрия ёзувчиси Стефан Цвайгнинг “Аёл ҳаётидан йигирма тўрт соат” новелласидаги инсон руҳий оламининг тасвирлаш усули ҳақида сўз юритилади.

Калим сўзлар: имо-ишора, персонаж, поэтика, мимикавий, кинетик, руҳий олами.

**ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ДУХОВНОГО МИРА ЧЕЛОВЕКА В РАССКАЗАХ СТЕФАНА
ЦВЕЙГА****(НА ПРИМЕРЕ ПОВЕСТИ «ДВАДЦАТЬ ЧЕТЫРЕ ЧАСА ЖИЗНИ ЖЕНЩИНЫ»)**

Аннотация. В статье речь идёт о поэтике жестов в новелле великого австрийского писателя Стефана Цвайг “Двадцать четыре часа из жизни женщины”.

Ключевые слова: жесты, персонаж, поэтика, мимические, кинетические, психологический мир.

**INTERPRETATION OF THE HUMAN SPIRITUAL WORLD IN THE STORIES OF
STEFAN ZWEIG****(ON THE EXAMPLE OF THE STORY "TWENTY-FOUR HOURS OF A WOMAN'S
LIFE")**

Abstract. The article deals with the poetics of gestures in the short story of the great Austrian writer Stefan Zweig "Twenty-Four Hours in the Life of a Woman".

Keywords: gestures, character, poetics, mimic, kinetic, psychological world.

КИРИШ

Бадий асарларда психологик таҳлил масаласи асосий назарий масала саналади. Бадий психологизмни амалга оширишда ёзувчининг услубий маҳорати муҳим ҳисобланади. Буюк Австрия ёзувчи С.Цвайг асарлари на фақат ўз мамлакатига, балки бошқа мамлакатларда ҳам муҳлисларига эга. Унинг “Ёндирувчи тилсимот”, “Шахмат новелласи”, “Амок”, “Нотаниш аёл мактуби” каби асарлари шулар жумласидандир. Унинг “Аёл ҳаётидан йигирма тўрт соат” новелласи ўзига хослиги билан ажралиб туради. Адибнинг қатор асарларида аёллар психологияси мукамал талқин этилади. Ёзувчи юқоридаги асарларда аёллар руҳий ҳолатини очиш учун турли бадий воситаларда унумли фойдаланган.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

“Аёл ҳаётидан йигирма тўрт соат” новелласида қимор ўйинига муккасидан кетган йигит фожиаси маҳорат билан тасвирлаб берилган. Новеллада бадий деталлардан ўзига хос равишда фойдаланган ёзувчи деталлар динамикасига эришиб, инсон руҳиятига хос жиҳатларни қўл детали ёрдамида очиб беришга эришган ва инсон руҳий оламини атрофлича талқин этган. Матнга мурожаат этамиз: “Яшил стол атрофини ҳам қўллар ўраб олишади, жуда кўпдан-кўп қўллар, оқ –сарик, чаққон, сергак қўллар, улар барчаси турли энглар орасидан гўё ўз инларидан қарагандай мўралаб пойлаб туришади, ҳар бири

ташланишга шай турган йиртқич, ҳар бири алоҳида рангда ва шаклда, бирлари ғирт яйдоқ, бирларига узукдан юган тақилган, бирларига эса жаранглаган занжирлар осилган, бирлари илонбалиқдек шилимшиқ, лекин барчаси чексиз бетоқатлик сабаб ўта асабий ва хушёр турадилар” Ушбу қўллар асосида инсон руҳиятининг ўзига жиҳатлари ифода этилади. Бадий асарларда инсон руҳиятининг ўзига хос томонларини тасвирлаш жаҳон адабиётида ҳам кенг ўрганилган бўлиб, адабиётшунослар бу хусусида ўз фикрларини билдиришган. “Бадий адабиётда имо-ишора кенг маънода талқин этилганда, бунда персонажнинг ҳаракати ва юз ифодасида бўлаётган руҳий жараёнлар эътиборга олинishi тушунилади”. Демак, Г.Е. Крейдлин таърифига кўра, имо-ишоралар замирида вужуд моторикаси бирлиги тушунилади. Юқоридаги матндан маълум бўлишича, муаллиф айнан шу руҳий ҳолатларни қўллар ҳаракати ва уларнинг кўриниши мисолида талқин этади. Масалан “Гўё ҳисоб машинасининг пўлат панжалари сингари”, “...иккаласи ҳам талашаётган итлардек бир-бирига чирмашиб олган” “...худди бир ўқ билан отилган икки жонзотдек шилқ этиб йиқилди” “...гўё аёзда қолган ит тишларини тақирлатгандек” каби ўхшатишлар ёрдамида қўлларнинг кўринишини инсон руҳиятига хос жиҳатлар асосида тасвирлайди. К.Г.Исупов таъкидлашича эса, имо-ишораларнинг “ички шакли” деб, персонажнинг табассуми, кўз карашлари, инсон гавдаси ҳолати (позаси) “новербал реплика” деб таърифланади.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

С.Цвайг новеллистикасида имо-ишоралар ўзига ҳос рамзий тилсимоти мавжуд бўлиб, ушбу тилсим ёзувчи асарларининг психологик аспекти ҳамда асар сюжети ривожига муҳим ўрин эгаллайди. “Аёл ҳаётдан йигирма тўрт соат” новелласининг бош қаҳрамони бир бой бадавлат қирқ ёшдаги бева аёл Монте Карло казиноларидан бирида вақт ўтказгани рулетка ўйнаш учун эмас, қўл ҳаракатларини кузатгани киради ва бу кузатишлар унга қўллар ҳаракати орқали инсон руҳиятини билиб олиш имконини беради. “Ҳар сафар бу ер менга беихтиёр отчопарни эслатади, қўллар худди барвақт югуриб кетмасин, дея машаққат билан тутиб турилган, қонлари қайнаган айғирлардек типирчилашар, талпинишар, сергакланишарди. Ҳамма нарсани қўллардан, яъни уларнинг қандай қимирлашига бойлигини совурувчи чайқамани пала-партиш пулни чангаллаши чоғида ҳам юзлаб характерлар бир лаҳзадаёқ ўзларини фош қилишади, кафтлар ғижимланади ёки асабий тугилади, ёки барабан айланаётган чоғда ҳолдан тойиб кафтларига таянадилар”

Асар бош қаҳрамони турли ҳил қўллар ҳаракатини кузатиб, одам қўллари ўйин чоғида унинг дилидаги ҳамма сирни фош этиб қўйишини англаб этади. Айнан шу қўллар ҳаракатида барча қиморбозларнинг ички дунёси ва руҳияти очилади. Муаллифнинг асосий маҳоратини биз юқоридаги тасвирий ифодаларда кузатамиз. Бадий матнда ўхшатишлар асосида қуйидаги кўринишда ўз ифодасини топади. Масалан: “...қийшайган панжали жун босган йиртқичлар, тилло тангаларни чангаллаётган ўргимчаксифат панжалар” каби.

МУҲОКАМА

Юқоридаги мисолларда муаллиф инсон бармоқларини жониворларга ўхшатган бўлса, контекстнинг айрим ўринларида инсон ҳис-туйғулари, руҳий кечинмаларини табиат ходисалари орқали тасвирлайди. Масалан: “...худди тошқин дарёдек кўпириб қуйиларди”, “...тошдек қотиб унга термулиб туришим”, “...бу ҳол гўё тепада қора булут

бўлиб осилиб турганди ва ниҳоят, кутилмаганда момақадирокқа айланди”, “...у шунчалар тубанликка тушгандики, буни бир тошни уммон тубига тушиб кетиши билан қиёслаш мумкин эди”, “...тун қаърида кўрғошиндек куйилган вужудим” кабилар.

Ушбу асарда кинетик, яъни хатти-ҳаракатлар имо-ишорасини ҳам кўплаб учратишимиз мумкин, масалан: “...ич-ичидан адойи-тамом бўлган бир одамнинг шалвираб деворга суяниб туриши”, “...йигит ўз оғирлигини аранг кўтарганча бир амаллаб деворга суяниб турар” каби. Келтирилган мисоллар новербал имо-ишоралар турига мансуб бўлиб,улар йигитнинг қиморда ютказиб кўйиб, тушқунликка тушиб қолганлигини унинг гавда ҳаракатлари орқали тасвирлаб берилади. Мимикавий имо-ишораларда инсон қайғуси, ғазаби, қувончи, яъни жамийки юз ифодаси орқали кўрсатиб берилади. Бу ҳолатни куйдаги матнда кузатамиз: “Кўзлари олазарак бўлиб аллақачон генерал ўтирган жойга қараб турарди”, бир сапчиб, очкўзлик билан олдида турган пулларга чанг солди”, “Кўзларида худди калтакланган итнинг қарашлари акс этар, лаблари эса титрарди.”, “Унинг кўллари шошилганча “Тўсатдан у менга ўгирилди, лекин бу юз, менга қараб турган юз энди телбанамо ва гангиган одамнинг юзи эмасди, балки у ғазабдан ёнар, кўзлар қаҳрга тўла, лаблар аламдан титрарди”

Келтирилган парчада йигит қаҳр-ғазабда эканлигини унинг сўзлари эмас, балки юзида содир бўлаётган ўзгаришлар намоён қилмоқда. Шунингдек, аёл образининг руҳий ўзгаришларини куйдаги ўринларда кўрамыз. “Бошим эгилган, уятдан қизарганча, зўр иштиёқ билан пичирлашаётган одамлар олдида худди башарасига пул ирғитишган фоҳишадек титраб турардим”, Аёл ўзидан шунчалик жирканиб кетганки, ”юз” сўзи ўрнига “башара”сўзини кўллаган ва ўзини фоҳишага ўхшатган. Бу эса бизга аёлнинг қай даражада уялганини яққол кўрсатиб турибди. Аёл ҳаётида бўлиб ўтган 24 соат ҳақида гапириб берганида, у ҳикояси сўнгида “хотиралар оғушида қиз боладек ийманиб, ўз холидан ҳижолат чекади.

ХУЛОСА

Ҳар қандай асар структурасида бадий психологизм етакчи компонент саналади ва образ руҳий ҳолатини очиб бериш муҳим ҳисобланади. С.Цвайгнинг “Аёл ҳаётдан йигирма тўрт соат” асари гувоҳи бўлганимиздек, инсон руҳий ҳолатини талқин этишда кинетик ва мимикавий имо-ишоралардан ўринли фойдаланган бўлиб, биз бу назарий муаммонинг айрим жиҳатларига тўхталдик холос. Имо-ишоралар ҳоҳ мимикавий,ҳоҳ кинетик бўлсин,у асар сюжетини бойитишга катта ҳисса қўшиб, у ёки бу персонажнинг портретига, руҳий кечинмалар тасвирига муҳим чизги бўла олади.

REFERENCES

1. Alijonovna A. G. THE IMAGE OF THE NARRATOR IN ZWEIG'S NOVEL "STREET IN THE MOONLIGHT" //Confrencea. – 2022. – T. 3. – №. 3. – C. 116-118.
2. Alijonovna A. G. INTERPRETATION OF THE IMAGE OF WOMEN IN S. ZWEIG'S SHORT STORIES "THE LETTER OF AN UNKNOWN WOMAN" AND "24 HOURS OF A WOMAN'S LIFE" //American Journal of Interdisciplinary Research and Development. – 2022. – T. 3. – C. 39-46.
3. Alijonovna A. G. DISTINCTIVE FEATURES OF STORIES BY STEFAN ZWEIG //American Journal of Interdisciplinary Research and Development. – 2022. – T. 2. – C. 88-94.
4. Alijonovna A. G. PECULIARITIES OF STEFAN ZWEIG'S WORKS //Confrencea. – 2022. – T. 3. – №. 3. – C. 91-94.
5. Alijonovna A. G. DISTINCTIVE FEATURES OF STORIES BY STEFAN ZWEIG //American Journal of Interdisciplinary Research and Development. – 2022. – T. 2. – C. 88-94.
6. Alijonovna A. G. DISTINCTIVE FEATURES OF STORIES BY STEFAN ZWEIG //American Journal of Interdisciplinary Research and Development. – 2022. – T. 2. – C. 88-94.